



Хуш келдинг, Наврўз!

Яна кўнгилардан
рутубат кетди,

Яна шуълалардан
қамашмоқда кўз.

Яна дилдорликнинг
фурсати етди,

Демак, Баҳор келди,
келмоқда Наврўз!



Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Айтиш мумкинки, анъанавий равишда ҳар йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президентимиз томонидан бир гуруҳ иқтидорли қизларни Зулфия томидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши эътиборнинг амалий ифодасидир. Бу йил тақдирланганлар орасида Андижон давлат тиббиёт институти талабаси Дурдонабегим Зайнобиддинова ҳам бор.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

ТРИАДА ҲАЙКАЛИ УЧУН 150 КИЛОГРАММ ОЛТИН

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида Фаёзтепа ёдгорлигидан топишган моддий манбалар сақланмоқда. Хусусан, Триада деб номланувчи 70 сантиметрлик ҳайкал мавжуд.

Сариқ-оқ рангли қуюқ оҳақтош бўлагидан ясалган бу ҳайкалга тилла суви югуртирилган. Уни қазиб олиш давомида тиллалар тепага қум бўлиб

Археология

кўтарилган дейишади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳайкалларнинг бутун ҳолида топилиши археология илмида камдан-кам учрайди. Ҳайкалнинг юз томони ерга ётиб қолгани боис у бутун ҳолда сақланган.

Тарихнинг қимматбаҳо ёдгорлигини топиш ҳамма археологларга ҳам насиб этавермайди. Археолог Лазар

Албаум эса омадли археологлардан бўлди. У энг ноёб ва шов-шувларга сабаб бўлган археологик топишмаларга дуч келган ва ўрганган. Триада ҳайкалининг топилиши Албаумга омад келтирган.

Бу ҳайкал ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келадиган бир гап бор: бир гал сайёҳлар музейга ташриф буюрганида, Триада ҳайкалини кўриб, бор оғирлигича, яъни 150 килограмм миқдоридаги олтинга алмашишни таклиф қилишган экан. Аммо уларнинг таклифи рад этилган. Бундан англашиладики, ушбу ҳайкалнинг қиймати бебаҳо.

КАДИМИЙ
АДРИЯТ
3

Бу сонга:
МАҚСАДЛАРИ
МУШТАРАК
ЙИГИТЛАР 4


БОЛА ЁЛҒОН ГАПИРСА... 6

КУН ҲИКМАТИ:

Агар ўқисанг-у, ўйламанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйласанг-у, ўқимасанг — шубҳа-гумонлар тагида қолиб кетасан.

КОНФУЦИЙ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ САЙЁҲЛАР ОҚИМИНИ КЎПАЙТИРМОҚЧИ



Икки мамлакат ўртасида сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун шарт-шароит яратишни назарда тутувчи тадбирлар режаси имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олди. Ўзбекистон бош вазири ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири Азиз

Абдуҳақимов ва Россия бош вазири ўринбосари Дмитрий Чернишенко икки мамлакат ўртасида сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун шарт-шароит яратишни назарда тутувчи тадбирлар режасини имзолашди.

“Туристик алоқаларни мустаҳкамлашга оид қўшма иш янги йўналишларни очишга ва давлатларимиз фуқаролари учун ҳамёнбоп ва билим олиш ҳордиғи учун шароитларни таъминлашга имкон беради”, — деди Чернишенко.

ВЕНГРИЯ ТАРИХИДА ИЛК БОР АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛДИ



Венгрия парламенти Оила, ёшлар ва халқаро алоқалар вазири Каталин Новакни мамлакатнинг янги Президенти этиб сайлади ва у мамлакатнинг энг юқори лавозимини эгаллаган биринчи аёл бўлди.

44 ёшли Новакнинг сайловдаги рақиби муҳолифат коалициясидан 80 ёшли номзод, иқтисодчи Питер Рона бўлди.

Маълумот учун, сиёсатчи 1977 йил 6 сентябрда туғилган. У 1996 йилда Сегед шаҳридаги Эндре Шагвари мактабида ўрта таълимни тугатгандан сўнг, Корвинус университетида иқтисод ва Сегед университетидида ҳуқуқ бўйича таҳсил олган.

Шунингдек, у Парижнинг Нантер университетида ҳам ўқиган. Новак венгер тилидан ташқари, француз, инглиз ва немис тилларида сўзлаша олади.

ПАНДЕМИЯ ҲАЛИ ТУГАМАЙДИ



2020 йилнинг 11 март куни ЖССТ томонидан дунёда коронавирус пандемияси бошлангани расман эълон қилинган эди.

Ҳозир дунё бўйлаб касалланиш ва ўлим ҳолатлари камайиб бораётган бўлса-да, пандемия ҳали тугамайди. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) раҳбари матбуот анжуманида маълум қилди.

“Бу биз учун жуда катта йўқотиш, ҳозир дунё бўйлаб касалланиш ва ўлим ҳолатлари камайиб бораётган бўлса-да, пандемия ҳали тугамайди. Чунки бунинг учун у ер юзининг барча нуқталарида бирдек яқунланиши керак” — деди ЖССТ раҳбари.

Қозоғистоннинг Миллий хавфсизлик қўмитасининг (МХҚ) қамоққа олинган собиқ раиси Карим Масимовнинг уйи тинтув қилинганида 17,2 миллион АҚШ доллари миқдорида нақд пул, шунингдек, кўплаб ҳашаматли буюмлар аниқланди.

ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



ДАВЛАТГА ХИЁНАТДА АЙБЛАНГАН МХҚ РАИСИ

Қайд этилишича, давлатга хиёнат, ҳокимиятни куч билан эгаллашга уриниш ва мансаб ваколатини суистеъмол қилишда гумон қилиниб, қамоққа олинган

Масимовнинг иши бўйича давом этаётган тергов давомида кўплаб коррупция белгилари ҳам аниқланган.

“Маҳаллий ишбилармон доиралар ва хорижий субъектлардан кўчмас мулк, қимматбаҳо совғалар, жумладан, маданий бойликларни, катта миқдордаги маблағларни ноқонуний равишда олиш ҳолатлари ҳужжатлаштирилган. Хусусан, Масимов ёпиқ шартномалардан бири бўйича МХҚ раиси лавозимида хорижий давлат вакилларида 2 миллион АҚШ доллари миқдорида пора олгани юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ушбу маблағларнинг Гонконгдан Қозоғистон Миллий банкига қайтарилиши таъминланди”, дейилди МХҚ хабарида.

АВСТРАЛИЯ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ СОНИНИ ОШИРАДИ

Австралия ҳукумати режасига кўра, 2040 йилга бориб мамлакат қуроли кучларидаги доимий хизматчилар сони 30 фоизга — 80 минг кишигача оширилади.



Бош вазирнинг қўшимча қилишича, қуроли кучларнинг кўпайтирилиши 38 млрд. австралия долларига (28 млрд. АҚШ доллари) тушади.

“Бир тугма босиш билан армия, флот ва ҳарбий-ҳаво кучларини кўпайтириб бўлмайди. Бўлажак таҳдидларга қарши тура оладиган одамларни ўқитиш керак”, — деди Моррисон.

Бойлик, тўкин ва тотув ҳаёт деярли барча интилади-ган йўлдир. Лекин ҳамма жаннатга киришни хоҳлаган ҳолда ўлишни истамаганидек, баъзан инсонлар кўп пул топишга ҳаракат қилишларига қарамай “Пул — қўлнинг кири”, “Пул биринчи ўринда эмас”, “Гап пулда эмас” қабилда фикрлайдилар. Бундай муносабатлар билан миянгизни пулсизликка тайёрлайдилар. Ёки кам пулга.

Инсон онг остини пулларни тортиб олувчи оҳанрабога айлантириши ҳам мумкин. Чунки кўп пул учун чўнтак ва кармонингиздан олдинроқ онг ости тайёр бўлиши керак. Бу учун эса пулнинг табиатини билиш, у билан тил топиша олиш лозим.

Кишиларда бепул акциялар ва чегирмаларга қизиқиш юқори. Бепул ва арзон таърифларга учгани сари онг остини камбағалликка тайёрлаб қўяди. Сиз текин ва камчиқим ҳаётни танладингизми, миянгиз сизни шу даражада озиқлантиради. Бепуллик ва арзонликка мос фикрларни туғдириб беради. Кимда-ким ўринли харажатларга ва сифатига арзирли нархларга очиқ бўлса, бутун вужуд билан улар учун зарур маблағни

КЎП ПУЛ ТОПИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

топишга тайёр туради ва удалайди.

Бой бўлишнинг яна бир сири — ўз пулларини севиш ва улар билан машғул бўлиш. Бировнинг чўнтагидаги пулни ҳисоб-китоб қилган одамнинг онг ости ўзи учун ишломлайди ва пул оқимини жалб этолмайди. “Буни қанчага олдинг?”, “Намунча қиммат? Пул топиб ақл топмабсан”, “Шу пулни бошқа нарсага ишлатсанг бўлмасмиди?”, “Ойлигинг қанча?”... Мана бу каби саволлар ўз эгасининг зарарига хизмат қилади. Эътиборсиз қолган пулларингиз сизни рашк қилиб, тарк этишидан огоҳ турунг. Ҳаттоки ўз жуфтингиз, фарзандларингизнинг даромадлари ва харажатлари сизни қизиқтирмасин. Яхшиси, сиз ўзингизнинг пулларингизни ҳисоб-китоб қилинг: Қанча топясиз? Қанчасини сарфлаяпсиз? Тўғри сарфлаяпсизми? Ажратган маблағларингиз ўзини оқлаяптими? Янада кўпроқ топиш учун қандай режаларингиз бор? Шу саволлар атрофида айлансангиз,

бошқаларнинг пулини ҳисоблашга вақтингиз ҳам қолмайди.

Пулни чақирадиган ҳам, қочирадиган ҳам — фикрлар. Пул ҳақида ижобий фикрласангиз, у сиз томон қадам ташлайди. Борди-ю, пул, бойлик, моддиятга нис-

МУНОСАБАТ



батан салбий муносабатда бўлсангиз, пул етишмовчилигига тайёр турунг. Ижобий фикр пулнинг кераклилиги ва поклигига ишониш, уни ишлатиб дунёга фойда келтириш мумкинлиги, эҳсон қилиб савоб олиш имкониятини қўлга киритишни тушунишда

кўринади

“Ҳозирги пуллар бебарака”. Мана, сизни камбағаллаштирадиган яна бир қолип. Шундай пайтлар бўлганми, эслаб кўринг: Чўнтагингиздаги сўнги чақани тушириб қўйдингиз, арзон нарсани билмай қимматга сотиб олибсиз, ўзи пулдан қийналиб турганингизда пулингизни ўғирлашди, фирибгарга

чув тушдингиз, кармонингиз таксида қолиб кетди ва бошқа пул йўқотишлар... “Камбағални туянинг устида ит қопади”, дея дунё кўзингизга тор кўринади шундай пайтлар. Йўқ, бу воқеалар сабоқ ўлароқ юз беряпти, чунки сизда “пулим етмаса-чи”, деган хавотир бор эди. Бу эҳтимол бор пулингиздан ҳам айиради. Пулларни миннатдорлик ила сарфлаш пул оқимига очиқликни таъминлайди.

Кўп пул топиш учун кўп ишларнинг ўзи камлик қилади. Инсондек ишлаб, инсондек фикрлашни удаласангиз бас, пулнинг ўзи сизни топиб келади.

Дурдона АЛИМОВА,
Тошкент.

Болалигимизда маҳаллада тез-тез “Фалончиникига ҳашарга” деган сўзлар қулоққа чалинарди. Ўша пайтда одамларнинг қурилиш ишлари ҳашар ёрдамида бир кундаёқ битказилиб қўйиларди. “Кўпдан қуён қочиб қутулмас” деган мақол замирида айнан мана шу анъана назарда тутилгандек.

Яқингача ҳам қишлоқларда хонадон эгаси алоҳида уста чақириб қурилиш қилиши камдан-кам учрайдиган ҳолат эди. Айниқса, бева-бечора, ёлғиз, боқувчиси ёки эркаги йўқ оилаларнинг оғир юмушлари шу каби тадбирлар орқали бажариб берилган. Ҳеч ким бундай беғараз кўмакдан нолимаган ёки бош тортмаган. Чунки халқимиз ҳашарга алоҳида ҳурмат, узоқ ўтмишдан қолган қадрият сифатида қараган.

Бугун бу гаплар худди эртакка

га эътибор қаратадиган бўлсак, Катта Фарғона канали 1939 йилда 160 минг кишилик халқ ҳашари ёрдамида атиги 45 кунда қазилган. Шу қисқа муддат ичида 300 км.га яқин масофага чўзилган тарихий иншоот бунёд этилган. Ота-бобола-римизнинг қадоқ қўллари, пешона тери эвазига қурилган бу дарё эндиликда бутун Фарғона водийсидаги суғориладиган ерларни оби ҳаёт билан таъминламоқда. 1966 йилда Тошкент шаҳрида юз берган кучли зилзила вайроналари ҳам айнан меҳнаткаш халқимизнинг саъй-ҳаракати билан қисқа фурсатда бартараф этилган.

Қаранг, биргина ҳашар деган анаъана замирида қанча яхши амаллар, соф туйғулар яширинган экан. Айнан мана шу жараёнда одамлар бир-бири билан яқинлашади, дўст-ўртоқ бўлади. Бир-бирини қўллаш, кўмак бериш, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғулари шаклланади.

Бугун одамларнинг шахсий юмушлари ҳашар ёрдамида битмаса ҳам лекин умумхалқ ҳашар деган яхши одатимиз ҳамон сақланиб келмоқда. Айнан Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасида маҳалла, туман, республика миқёсида шундай кенг кўламли тадбирлар ўтказилади. Унинг ёрдамида маҳаллалар, кўчалар, йўллар, хиебонлар покиза ва саришта ҳолга келтирилади.

Сизчи? Сиз ҳашарда қатнашасизми?

Нигора МИРОЛИМ қизи.

МИНГ ЙИЛЛИК БЕҒАРАЗ АНЪАНА

ўхшайди. Баъзан қўшнинг йиқилган деворини йўлаб қўйиш ҳам шунчаки қилинмайди. Кунимизни телевизор қаршисида ёки телефон титкилаб ўтказишимиз мумкин, аммо кекса қўшнимизнинг бирровлик илтимосини малол санаймиз. Аслида жисмоний меҳнат танни яйратиб, қоннинг яхши айланишига сабаб бўлади. Қолаверса, кимгадир нафи теккан инсоннинг ўзи ҳам шод бўлади, қилган яхшилигидан мамнунлик сезади.

Буюк шоир Алишер Навоий Хусайн Бойқаро саройида муҳрдор ва вазир бўлган пайтларида халқни ҳашарга чорлаш орқали Ҳирот шаҳрида кўприклар, хонақоҳлар, масжид, мадрасалар барпо этириб, йўлларни таъмирлатганини яхши биламиз. Яқин тарих-



Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги тадбиркор Нуриддин Аликулов раҳбарлик қилаётган “Nirt Fruit” фермер хўжалиги 2017 йилда ташкил қилинган. Асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва хорижий давлатларга сотишдан иборат.

— Экспортни ривожлантиришда транспорт ва логистика соҳаси кундан-кунга такомиллашиб борапти, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Алишер Масаитов. — Давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу ўз-ўзидан бизни янада фаол иш юритишга ундаяпти.

— Узум етиштириш ва экспорт ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Фермер хўжалигимизга туман заҳирасидан 7 гектар ер майдон ажратиб берилган. 2020 йил бошидан “экспортёр” мақомига

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сарфланган харажатларимиз 50 фоизгача қайтариб берилмоқда. Бу экспорт



ТАДБИРКОРЛИК

Маҳсулот сифати таннарига таъсир этади. Шу сабаб бу доим эътиборда. Авваллари узумнинг экспортбоп навлари ёғоч яшиқларда хорижлик ҳамкорларимизга етказиб бериларди. Жорий йилда бу яшиқлар ўрнига пластик яшиқлардан фойдаланишга ўтилди.

Юк ортаётган йигитларнинг ишини кузатамиз. Улар она ер неъматларини хорижликларга тортиқ қилаётганидан хурсанд.



салоҳиятимизни янада кенгайтириш имконини беради.

— Жаҳон бозорида узумнинг қайси навларига талаб юқори?

— Маҳсулотни экспорт қилишдан аввал унинг жаҳон бозоридаги талабгорларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Агар шундай йўл тутилмаса ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютқазиб қўйишимиз аниқ. Бизнесда сезгирлик ва зийраклик муҳим. Бундан ташқари, иқтисодий билимларга эга бўлиш лозим. Бугун жаҳон бозорларида узумнинг “мерседес”, “ризамат ота”, “келин бармоқ” навларига талаб ортиб бормоқда. Қозоғистон, Туркия, Россия ҳамда Европа давлатларидаги ҳамкорларимизда маҳсулотларимизга қизиқиш катта.

— 2015 йилдан буён юк таширман. Катта юк машиналарини бошқариш қийин. Бироқ бунинг завқи бошқача, — дейди ҳайдовчи Муҳаммаджон Аликулов.

Корхонани “Hamkorbank” АТБ Фарғона минтақавий филиали молиявий қўллаб туради. Бир неча бор кредит маблағлари олиб, банк ишончига кирган “Nirt Fruit” фермер хўжалиги энг йирик мижозлардан. Унинг жаҳонга юз тутаётгани қувонарли, албатта.

Б. МУТАЛЛИБОВ.



СИЗНИНГ ХУҚУҚШУНОСИНГИЗ

САВОЛ: Менга 30 фоиз жарима жазоси белгиланди. Энди ҳар ойда ойлигимдан 30 фоиз ушлаб қолинадими? Жазо 1 йил амал қилар экан. Шу тўғрими?

И. АЗИЗОВ.

ЖАВОБ: Бу мутлақо нотўғри. Аввало, жарима жазоси ойлик иш ҳақидан эмас, балки, ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори 6-илоvasи орқали танишишингиз мумкин.

Жарима бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат бир марта ушлаб қолинади, ҳар ойда эмас. 1 йиллик муддат масаласига келсак, Меҳнат кодексининг 183-моддасига кўра интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Сизга қўлланилган жарима фақат бир марта ушлаб қолинади. Лекин сиз олган жарима жазосининг таъсири 1 йил амал қилади. Мана шу вақт давомида сизга рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Шунингдек, интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони аввалроқ олиб ташлашга ҳақли.

САВОЛ: 16 йилдан бери соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб келаман. Яқинда кўп йил ишлаганларга қўшимча иш ҳақи берилади, деб эшитдим. Шу бор гапми? Агар шундай бўлса, туман бўлимлари ходимларига ҳам тўланадими?

К. НЕЪМАТОВ.

ЖАВОБ: Жуда ўринли савол. Қаранг, 2020 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мана шу қарорнинг 7-бандига асосан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бошқарув органлари ходимларига 2021 йил 1 июндан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициенти инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

- * 1-3 йилгача — 0,3 фоиз;
- * 3-5 йилгача — 0,6 фоиз;
- * 5-10 йилгача — 0,8 фоиз;
- * 10-15 йилгача — 1 фоиз;
- * 15-20 йилгача — 1,2 фоиз;
- * 20 йилдан юқори — 1,5 фоиз

Демак, 16 йилдан буён ҳудудий соғлиқни сақлаш органларида ишлаётган ходимларга лавозим маошининг 120 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама тўловлари тўланиши керак.

*Саволларга ҳуқуқшунос
Камолиддин АМАНОВ
жавоб берди.*

ОЛТИАРИҚ УЗУМЛАРИ ХОРИЖГА

эга бўлди. Юртимиз далаларида пишиб етилган ҳосил йиғиб-териб олинади ва махсус яшиқларга жойланиб, ҳарорат меъёрга келгунича Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш советгичида сақланади. Тайёр бўлган маҳсулот юк автомашиналарига ортилиб, чет эллик ҳамкорларимизга юборилади. Асосан гилос, ўрик, шафтоли ва узумнинг харидоргир навлари экспорт қилинмоқда. 2021 йилда 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида экспортга эришилди.

— Бизнесингизни ривожлантириш ва жаҳон брендида айлантиришда нималарга эътибор қаратиляпти?

— Бугунги кунда ҳар соҳада илгари бўлиш замон талаби. Шу нуқтаи назардан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишда унинг таннархига таъсир этмайдиган омиллардан фойдаланяпмиз. Маҳсулотни сифат даражасини пасайтирмай манзилга етказишда замонавий техникалардан фойдаланиляпти. Хўжалигимиз “экспортёр” мақомини олгандан буён Ўзбекистон Республикаси

“НАМКОРБАНК” АТБНИНГ БАЛИҚЧИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИГА БОРАР ЭКАНМАН, ФАҚАТ ЙИГИТЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ЖАМОА МЕНДА ҚИЗИҚИШ УЙЎТДИ. МАЗКУР МУАССАСАДА ХАЛҚ ХИЗМАТИГА ШАЙ 11 НАФАР ИЗЛАНУВЧАН, БИЛИМЛИ ЁШЛАР, ТЎҒРИРОҒИ, ШИЖОАТЛИ ЙИГИТЛАР ШАКЛЛАНГАН. ЖАМОАГА КАМСУҚУМ, КАМТАРИН, БИРОҚ ТАЖРИБАЛИ ҲАЁТИЛЛО АБДУКАРИМОВ РАҲБАРЛИК ҚИЛЯПТИ. ХОДИМЛАРНИНГ БИР-БИРЛАРИГА ҲУРМАТИ ЮКСАК.

Ушбу молия муассасаси бир томони Улуғнор, бу ёғи Шераличеккача бўлган ҳудудда 200 минг аҳолининг 80 фоизини жалб қила олди. Кичкина бўлсада катта-катта ишларни амалга ошираётгани қувонарли. Микроқарз, истеъмол кредитидан тортиб, автокредитгача хизматларни намунали амалга оширади. Мижозларига самимий муносабатда бўлади.

— Тадбиркорман, дастлаб 30 миллион сўм омонатимни Чинобод филиалига қўйганман. Бироз узоқлик қиларди, баъзан вақт масаласи қийнардир. Балиқчи мини банки очилгач, ҳар томонлама қулай бўлиб қолди. Омонатларим шу ерда, асосийси, ишончли. Икки марта автомашина олдиқ, қизларимни турмушга узатганда уй-рўзғор буюмларига сарфладик. Қўйингки, истаган пайтимда олишим мумкин, фойдасининг ўзи турмушимиз фаровонлигига етляпти, — дейди мамнунлик



МАҚСАДЛАРИ УШТАРАК ЙИГИТЛАР

билан мижоз Муборахон Очилова. БХОнинг юзга яқин омонатчиси, 400 дан ортиқ юридик, 3 мингдан зиёд жисмоний мақомга эга мижозлари бор. Автокредит шартномалари ўз вақтида бажариляпти. Улар ҳамиша муассасани қўллаб-қувватлашга тайёр.

2001 йилда атиги 2 нафар ходим билан фаолиятини бошлаган ушбу банк хизматлари офиси дастлабки йилларда мижозларни жалб қилиш ва ишончига кириш учун астойдил

курашди. Кейинчалик жамоа кенгайди. Аъзамжон Қодиров, Давронбек Тоҳиржонов каби иқтидорли, Ёдгорбек Отажонов, Мирғиёс Тешабоев сингари масъулиятли ходимлар бугун шогирдликдан ўз ишининг устасига айланган мутахассислардир.

Меҳнатлар самараси ютуқларда кўринди. Ўтган 2021 йил якуни бўйича 3-гуруҳ йўналишида “Энг самара-

дор банк хизматлари офиси” номинацияси ғолиби бўлди.

Ёдгорбек Отажонов 2019 йилнинг декабридан бошлаб шу жамоада. Аввалига кассир, ҳозирда истеъмол кредити бўлимида ишлайди. Бу энг кўп мижоз қабул қиладиган бўлим. Кунига 50 га яқин суҳбатдоши бўлади. Уларнинг ҳаммаси ҳам мижоз бўлмаслиги мумкин. Аммо Ёдгорбек хотиржам ва сабрли. У шу фазилати билан ҳурмат қозонган.

— Кимдир кредит тўлагани, яна кимдир омонат қўйгани, биров эса маслаҳат олгани келади. Уларга бирдай хушмуомалада бўлишимиз керак. Зеро банкимизга бир бор келган киши кейинги гал мижозимиз бўлсин, — дейди якуний назо-



рат мутахассиси Абдорбек Абдукаримов.

Суҳбат асносида билдикки, БХО ходимларининг онгу-шуурига бирдамлик руҳи сингган. Уларнинг фаолиятлари бир, қарашлари бир, мақсадлари муштарак.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Асака туманида фаолият юритаётган “KAPITAL RUBBER TECHNOLOGY” МЧЖ раҳбари Салима Тошқўзиева ташаббускор, замон билан ҳамнафас тадбиркорлардан. Газетамизда у ҳақида ёзмачи эканлигимизни эшитиб, бизни очиқчеҳралик билан қарши олди. Хатти-ҳаракатларидан сездикки, бу аёл меҳмонни жуда қадрлайди. Опа билан иш, корхона, тадбиркорлик мавзуларида суҳбатлашдик.

НАЗАРИМДА ЯХШИ РАҲБАРМАН, — дейди тадбиркор Салима Тошқўзиева.

ИШБИЛАРМОНЛИК — СЕВГАН МАШҒУЛОТИМ

Асли мутахассислигим педагог-психолог, тадбиркорликка жуда қизиқаман. Бу корхонани ташкил қилишдан аввал Ангрен калиш заводида директор бўлиб ишлаганман.

2004 йилда “KAPITAL RUBBER TECHNOLOGY” МЧЖни ташкил қилиб, автосаноат учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқара бошладик. Ўша йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастури асосида Асака автомобиль заводи билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шундан буён заводда чиқаётган барча русумдаги автомобилларни ўз маҳсулотимиз билан таъминлаб келамиз.

Биз ишлаб чиқараётган шовқин ютувчи тўшама — ўзимиз ихтиро қилган янги технология маҳсулидир. Бу деталнинг Корея вариантини яхшилаб ўрганиб, муқобилини яратдик. Маҳсулотимиз барча талабларга жавоб берди. Шундан буён завод фақат бизнинг тўшамадан фойдаланади. Ойига 700-800 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беряпмиз. Насиб қилса, завод шу йил Chevrolet Tracker ва Chevrolet Onix автомобилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Уларни ҳам шовқин ютувчи тўшама билан бизнинг корхона таъминлайди.



ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАТТИҚ ГАПИРМАЙМАН

Бу соҳада таълим олмаган бўлсамда, техника-технологияларни яхши биламан. Албатта, бу қизиқишларим натижаси.

Қўл остимда 50 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар учун моддийликнинг ўзи етарли эмас. Руҳан қўллаб-қувватланса, ишига талпинади. Шу боис ишчиларга ҳеч қачон қаттиқ гапирмайман, аксин-

МИЖОЗЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

ча, мақтайман. Чунки раҳбардан меҳр-этибор кўрса, бир-бирини қадрлайди, аҳил-иноқ бўлади.

Ойлик маошлар ҳам қониқарли назаримда. Ҳар бир ишчи 3 миллион сўмгача ҳақ тўлаймиз, тушлиқда иссиқ овқат билан таъминлаймиз.

Асакаликлар жудаям самимий, меҳнаткаш, меҳмондўст халқ. Шу инсонларга, шу шаҳарга фойдам тегсин деб, кафе ва бассейн қурдирыпман. Насиб қилса, шу йил ишга тушади.

“НАМКОРБАНК”КА ЎТИБ АДАШМАДИМ

Корхонани дастлаб Ангренда ташкил қилганмиз. Заводга яқин бўлиш мақсадида 2006 йил Асакага кўчириб олиб келдик. Аввал Тошкентдаги “Iraq Yo’li” банкининг мижози эдик. Бир куни корхонамизга “Namkorbank” вакиллари келиб шунақа чиройли гапларни гапирдики, улар билан ҳамкорликка қарор қилдим. Адашмаган эканман. Аввалги банкдан зиёда бўлса борки, кам эмас. Ходимлари жуда хушмуомала, масъулиятли. Мен ҳам шу муносабатга яраша намунали мижоз бўлишга ҳаракат қиламан. Ҳисобкитобларни вақтида амалга ошираман.

2018 йилда банкдан олган 480 минг АҚШ доллар кредит эвазига Кореядан ускуна сотиб олдик. Ўтган йили яна паст фоизда 120 минг АҚШ долларли кредит ажратиб беришди. Бу маблағга четдан магнитайзер ускунасини харид қилдик. Ишонаманки, ҳамкорлигимиз бардавом бўлади.

Нигора МИРОЛИМ қизи ёзиб олди.

Музаффар Сайдорифов “Hamkorbank” АТБ Олмалиқ филиали ундирув хизмати бошлиғи лавозимида ишлайди. Масъулиятли вазифага тайинлангунга қадар пазандалар ибораси билан айтганда, банкнинг “қозонида қайнаб, пишди”. Илмга доимо ташналиги, китобсеварлиги, изланишдан чарчамаслиги унинг эътиборга молик фазилятларидан. Инглиз ва рус тилларида бемалол сўзлашишига гап йўқ. Уқитувчилар оиласида вояга етган бир кам қирқ ёшли бу йигит, агар банкирликни танламаганда, албатта, ҳуқуқшунос бўлиши мумкинлигини билдирди. Бунга ажабланмаса бўлади: маълумоти бўйича ҳуқуқшунослик мутахассислигига ҳам эга. Хуллас, давримизнинг муносиб хизматчи-зиёлиси.

“БИЛМАЙМАН” ДЕЙИШ... БИЗГА ЯРАШМАЙДИ

**суҳбатдошимиз
бу билан нима
демоқчи?**

Мароқли суҳбатимиз ора-сида “Билмайман дейиш бизга ярашмайди” деб қолди. Ажабландим: “Билмайман” дейишнинг нимаси ёмон? Кейин маълум бўлишича...

— Банк соҳасида ишлаётган ҳар бир ходим тизимдаги ҳамма йўналишлардан хабардор бўлиши керак, — деди у саволимизга хотиржамлик билан жавоб қайтарганча. — Яна такрорлайман: “Билмайман” дейиш банк ходимига асло ярашмайди. Бирон — бир мижоз сиздан маслаҳат ёки йўл-йўриқ сўраса, “бу менга тааллуқли эмас, мен бошқа хизматнинг ходимиман”, дея елка қисиб туриш яхшимас. Замон шиддатли, тараққиёт шиддатли, ўзгаришлар шиддатли ва биз бунга ҳамиша шай бўлишимиз керак.

— Баъзида “фалончи банктан кредит олиб, қарзга ботибди, уни узиш учун елиб-югуриб юрибди экан”, қабилидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Бу қанчалар тўғри?

— Афсуски, тўғри ва лекин ҳар доим ҳам эмас. Негаки кўплаб мижозлар кредитдан самарали ва мақсадли фойдаланиб, ажойиб бизнес лойиҳаларни амалга оширишпти. Мўмай даромад топиш баробарида янги иш ўринлари яратишпти. Бироқ айрим шахслар кредит олгач, фаолиятини тўғри йўлга қўя олмаслиги натижасида дилхиралик пайдо бўляпти. Аслида мижоз таваккалчи бўлмаслиги керак. Режа пухта ва ишончли бўлса, берилган кредит “осмонга учиб кетмайди”.

— Ундирув хизмати масъули сифатида сизни нималар қийнайди?

— Кредитни минг тавалло билан олволиб, қайтаришга келганда минг бир баҳона қилувчилар ҳам топилади. Ваҳоланки, уларнинг тўлов



имкони етарли, аммо тўлашни исташмайди. Шундайларни кўрганда қийналаман. Яна баъзи мижозлар бор — тўлов қобилияти йўқ. Қарздан қутилиш учун астойдил ҳаракат қилишади, лекин имконияти етишмайди. Бунинг сабаби эса юқорида айтганим каби. Буларнинг моддий аҳволини кўрганда ҳам қийналаман.

— Сиз ишлаётган банкнинг муҳим жиҳатини бир оғиз сўз билан ифодалаб берсангиз?

— Қатъий тартиб ва ходимга эътибор.

— Сизни китоб шайдоси дейишди...

— Китобни севмай бўладими?! Ҳаётда нимага эришган бўлсам, бариси китоб туфайли. Бунинг фарзандларимга “юқтириш”га уриняман. Ҳар куни уларга битта ибратли ҳикоя ўқиб бераман. Ойнинг маълум санасида оиламиз учун, албатта, битта китоб сотиб оламан. Хонадонимизда кутубхона муҳити яратилган. Оила аъзоларимизнинг барчаси “Заковат” интеллектуал телеўйинининг ишқибози. Билимдонлар билан тенгма-тенг саволларга жавоб топишга интиламиз. Ҳаттоки, оммабоп кўрсатувга савол ҳам йўлладим.

— Дейлик саволингизга жавоб топишди...

— Бундан мамнун бўлардим ва уларга раҳмат айттардим. Кенг фикрловчи, тафаккури бой, билимли замондошларимизга ҳурматим ҳамиша баланд ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Суҳбатдош:
Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

“ЯНГИ КҮН” АРАФАСИДА

“КУН ҚИЗИДИ, ИШ ҲАМ ҚИЗИЙДИ”

**Ҳусниддин ЙЎЛДОШЕВ,
Қарши минтақавий филиали бошқарувчиси:**



ни оқлаш туйғуси — ҳаммаси қўшилиб, катта куч билан ишлашни тақозо этмоқда.

Шаҳрихонда 4 йил, Қувасойда 1 йил филиал бошқарувида ишладим. Банк раҳбарияти мени ушбу соҳадаги билим ва тажрибамга ишониб, яна бир филиал бошқарувини топширди. Тўғри, бизга қўйилган режалар катта, вазифалар юки залворли. Аммо насиб қилса, бу режаларни уддалаб, филиал кўрсаткичларини яхшилаيمиз. Албатта, бу фақат ўзимга эмас, бутун жамоага боғлиқ. Бир-биримизни тушуниб, қўллаб иш юритсак, натижалар зўр бўлади.

Аввало, юртимиз тинч, юртдошларимиз соғ-саломат бўлсин. Соғлиқ ва хотиржамлик бор жойда ҳамма мақсадлар амалга ошаваради. Қашқадарё минтақавий филиали номидан Наврўзи олам билан “Hamkorbank”нинг барча ходимларини ва юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этаман. “Янги кун” барчага хайру барака, омад келтирсин!

“БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАБ, МАРРАНИ ЮҚОРИ ОЛДИК”

**Ўткирбек ТОҶИБОВЕВ,
Қўрғонтепа филиали бошқарувчиси:**



— Мен қишнинг совуқ кунларидан баҳорга етиб келишимизни худди қоронги тоннелдан ёруғликка чиқиш ҳолатига ўхшатаман. Қўлам келиши билан барчанинг кўнглида ажиб ҳис-туйғулар жўш уради.

Мана, Наврўз айёми ҳам яқинлашмоқда. Жамоадорларимизнинг барчасида кайфият аъло. Мен ҳам ушбу байрамни янги лавозим, янги вазифалар билан қарши оляпман. 2006 йилдан буён шу филиалдаман. Деярли барча бўлимларда ишладим. Аммо энди раҳбарлик масъулияти катта босим юклади.

Биринчи ярим йилликда филиалимизнинг оғриқли нуқтаси бўлган муаммоли кредитларимизни тўлиқ тугатишга қарор қилдик. Кейин эса бизнес режа кўрсаткичи

бўйича ойма-ой даромадга чиқмоқчимиз. Январ ойининг ўзиде режани 107 фоизга бажардик. Қолаверса, йил бошидан шу пайтгача балансимизда турган 2 та

мулкни сотиб, кредитларни тўлиқ сўндиришга эришдик. Биринчи чоракни 100 фоизли натижа билан тугатиб, муаммоли кредитларни йил бошига нисбатан ўсмаслигини таъминламоқчимиз. Бунинг учун бутун жамоа жипслашган ҳолда ишга киришганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни, республикамиздаги барча ҳамкасбларимни Наврўз байрами билан қутлайман. Наврўзи олам омонлик, хуш кайфият олиб келсин.

**Н. ТЎХТАМАТОВА
тайёрлади.**



Азиз юртдошлар!

Юртимизда уйғониш, яшариш, янгилаш айёми — Наврўзи олам нафаси уфуриб турибди.

Озод юртнинг обод манзилларида сизу биз бу азалий айёмни зўр қувонч ва катта хурсандчиликлар ила қарши олмоқдамиз.

Ўзбекистон аҳлини янгилаш ва ёшариш байрами билан муборакбод этамиз. Юртимиз равнақи ва халқимизнинг фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

**НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

**“Hamkorbank” АТБ
Олмалиқ филиали
жамоаси.**



Дунё бўйлаб

1966-1967 ўқув йили бошланганида қўлимизга бошқа китоблар қаторида муқовасида фиръавларнинг ёнма-ён ўтирган ҳолидаги тош ҳайкали акс этган “Қадимги дунё тарихи” дарслиги ҳам тарқатилган. Кейинчалик Мисрнинг кўҳна тарихи ҳақидаги мавзу билан танишиб, “Аллоҳ насиб этса, шу мамлакатга бориб, пирамидалар ва бошқа тош ҳайкаллари томоша қиламан”, деб ният қилган эдим. Ўша ният бу йил февраль ойида амалга ошди.

Тошкентдан ҳавога кўтарилиб, Мисрнинг Қизил денгиз бўйида жойлашган Шарм ал-Шейх шаҳри аэропортига бориб қўндик. Бу шаҳардан пойтахт Қоҳирага автобусда йўл олдик. Оралиқ масофа 500 км.ни ташкил қилар экан. Ойнадан икки ёндаги бепоён бўлиқ ерларни кузатиб кетдик. Қизил денгиз ва азим Нилнинг ёнгинасидаги бу майдонларга нега сув чиқарилмаслиги бизни ажаблантирди. Чунки Миср инсоният тарихида сунъий суғориш иншоотларини биринчилардан бўлиб яратгани ва Нил сувида экинзорлар барпо қилганини кўпчилик билади. Ё Миср араблари туризмга қизиқиб кетиб, деҳқончиликни Александрия атрофидаги экинзорлар билангина чеклаб қўйишдимикан?

Қоҳира шаҳри Нил дарёсининг икки соҳилида жойлашган. Чап соҳилдаги эски шаҳар бизга ёқмади. Жуда тартибсиз, кўчалар ва уй томларида ахлат уюлиб ётибди. Қурилиш ишларида архитектура маданияти умуман кўзга ташланмади, кўчалари тор, битта енгил машина зўрға ўтади. Ўтган асрда қурилган кўп қаватли уйлар девори ҳам деярли бир-бирига тегай деб турибди. Уларнинг орасидан ўт ўчирувчи автоуловларнинг ўтишига умуман имкон йўқ. Негадир биз кўрган Қоҳира, Ғизо, Сувайш ва Ал маҳалла-Эль шаҳарларида бир қанча кўп қаватли иморатлардаги хонадонлар эшик, ромсиз, аҳолисиз хувиллаб ётибди.

Одатда болалар 3 ёшдан ёлғон гапиришни бошлайди. Лекин бу вақтда гўдакдаги ноқобил ҳаракатларга атрофдагилар жиддий бир ҳолат дея қарамайди. Аввалига ўйинқароқлик сабаб алдов ишлатилса, кейинчалик ақлан англаган ҳолда қўлланилади. Бу иллатга ўз вақтида чора кўрилмаса, жиддий асоратлар қолдириши мумкин.

ЁЛҒОННИНГ
ТУРЛАРИ

Аслида болалар алдовни вазиятдан чиқиш учун бир йўл деб қарайди. Ҳар бир алдовдан сўнг ҳақиқатнинг юзага чиқмай қолиб кетавериши, бу усулни янада кўпроқ қўллашга имкон яратади. Ёлғоннинг кўринишлари ёшга қараб фарқланади.

1. Тўқиб чиқарилган ёлғон — 3-4 ёшлиларда учрайди. Масалан, бола дадаси олиб берган ўйинчоқларнинг сонини ошириб айтиши билан ўртоқларига ёлғон ахборот беради. Фантазияни ишга солиб, гўёки ҳақиқатни сўзлагандай бўлади.

2. Вазиятни юмшатиш учун қўлланиладиган ёлғон — 8-9 ёш болаларга анча қўл келади. Улар чигал вазиятларда ҳолатдан чиқиш учун алдовдан фойдаланади. Ақлан

ОРЗУИМ ТОШ ҲАЙКАЛЛАР
ТОМОШАСИ ЭДИ

Қоҳирадаги Миср тарихи музейи дунё сайёҳларини ўзига жалб қилувчи археологик экспонатларга жуда бой маданият муассасаси. Унинг залларини бемалол айланиб чиқиш учун бир кун камлик қилди.

Сафаримизнинг учинчи кунини, ниҳоят, Ғизодаги тўққизта пирамида ва Сфинкс ҳайкалини томоша қилиб, суратларга тушиш насиб этди. Айтиш жоиз эмасдир, аммо жаҳондаги ноёб бу маскан ҳам санитария идоралари назоратида эмас. Неча юзлаб сайёҳлар Хеопс пирамидасининг тор тешигидан икки ён деворларни кетма-кет ушлаган ҳолда энгашиб ичкарига киради. Сал шамол эсса, пирамидалар ораллиғидаги қумдан чанг-тўзон кўтарилади. Бедуинлар ижарага берадиган юзлаб безатилган туя ва отлар эса гўнг

чиқармай туролмайди.

Шарм ал-Шейх — асосан Дубай шайхлари киритган инвестициялар негизда барпо этилган кўркем ва озода шаҳар. Аммо бу ерда Дубайдаги сингари осмонўпар бинолар йўқ, ҳаммаси икки қаватли. Хотел, ресорт, мотел ва санаториялар шу қадар кўпки, деворлари бир-бирига туташ. Уларга асосан Россия, Украина ва Белоруссия

давлатларидан мунтазам сайёҳлар келишади. Шу боисдан ушбу шаҳар аҳолиси рус тилини тўлиқ бўлмасда, тушунади ва жавоб бера олади. Барча оромгоҳларда швед столи европача ва маҳаллий таомлар билан тўлдирилган. Февраль ҳавоси мўътадил ва ёқимли. Ҳарорат кундузи +25, кечаси +15 даража атрофида. Пляжлар сайёҳлар билан тўлган. Сафар давомида Қизил денгиз бўйлаб яхтада сайрга чиқдик, батискафда денгиз тубига шўнғиб, турфа балиқларни томоша қилдик. Хуллас, бир ҳафталик саёҳат жуда мазмунли ўтди.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.

ҲАЁТ
МОҲИЯТИ

Ҳаёт ҳам масал каби, у узунлиги билан эмас, балки, мазмуни билан қадрли.

СЕНЕКА

Ҳаёт ўтган кунлар эмас, балки, эсда қолганларидир.

П. А. ПАВЛЕНКО

Ҳаёт яшашнинг ўзидагина эмас, балки, яшаётганлигини ҳис этишингдир.

В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ

Узоқ яшаш эмас, тўғри яшай билишинг муҳимдир.

СЕНЕКА

Ҳаёт тўлақонли бўлса, узоққа чўзилади... Уни вақт билан эмас, бажарган ишларимиз билан ўлчаймиз.

СЕНЕКА

Ҳар нарсада уч асосга: ҳақиқий, ҳалол ва нафли нарсаларга эътибор бериш керак.

Ж. МАРМОНТЕЛ

Инсоннинг инсонлиги шунчаки умр ўтказиши эмас, балки, яшашидир.

Ж. ЛОНДОН

ТАВСИЯ

ҲАММА ГАП ОИЛАДА

Аслида болага ёлғон сўзлашни биз катталар ўргатамиз. Унинг олдида “Қўнғироқ қилишса, мен уйда йўқман”, “Бу ерга келганимизни даданг билмасин”, каби сўзларни айтиб юборамиз. Кейинчалик бу усул ўзимизга қарши ишлатилганда, асабларимиз дош бермай қолади.

Гўдаклик вақтидан болани тўғри сўзга ўргатинг. “Ухламасанг, фалончи олиб кетади” деб эмас, “Уйқудан турсанг, сайрга олиб чиқаман” дея ваъда беринг ва буни уйдасидан чиқинг. Кўп сўзларингизда ёлғон ҳидини сезган болакай кейинчалик рост гапингизга ҳам шубҳа билан қарай бошлайди.

Қаттиққўл ота ва сержаҳл она қўл остида улғайган болалар кўпроқ ёлғон ишлатишга мойил бўлади. Улар ота-она зуғумидан ёлғон орқали паноҳ топишга ҳаракат қилади.

ОҒИР ЖАЗО ЯНА
ЁЛҒОНГА УНДАЙДИ

Кўпчилик ота-оналар ёлғон ишлатган болага нисбатан нотўғри чора қўллайди. Билинги, оғир жароҳат ҳеч қачон тўғрилиққа етакламайди.

* Бола ота-онадан ўрнатилган қоидага амал қилмай, шуни ёдда тутинг ва доим ростгўй бўлинг;

* Ёлғон ўз кучи ва имкониятига ишонмаслик оқибати. Фарзандингиз билан дўстларча суҳбат қилишга одатланг. Ҳар бир ҳаракатини мақтанг ва рағбатлантириб турунг. Бу боланинг ўзига нисбатан ишончини оширади;

* Фарзандингизга ёшини инобатга олиб, вазифа топширинг;

* Қаттиқ назорат остида ушламанинг, ўзида эркинликни сезмаган болалар алдов эвазига тазйиқлардан қочишга ҳаракат қилади;

* Болани бақариб ёки хунук сўзлар билан койиманинг. Бу ҳолатда у яна сирларини беркитишга уринади;

* Агар вазиятдан силлиқ чиқиш учун яна сизни алдашга киришса, бунинг оқибати яхши бўлмаслигини ётиғи билан тушунтиринг. Дўстлари ва яқинлари унга ишонмай қўйишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантиринг;

* Қийинчилик пайтида фақатгина ёлғон сўзлаш эмас, балки, яқинларга суяниш мумкинлиги ҳақида маълумот беринг.

Матлуба АҲМЕДОВА ёзиб олди.

БОЛА ЁЛҒОН
ГАПИРСА...

Мақола психолог Шахло Убайдуллаева тавсиялари асосида тайёрланди.



бу йўл тўғри эмаслигини тушунсада, пайти келганда бу одатини давом эттираверади.

3. Атайин алдов ишлатиш — 12-18 ёшдаги ўсмир болаларда кўпроқ кузатилади. Бу вақт дунёқарашнинг тубдан ўзгариши, ҳаётнинг ажойиб қирраларини кўриш кучайган давр ҳисобланади. Ёлғон сўзлар билан кимгадир зарар етказиш мумкинлиги уларни ҳеч ҳам ташвишлантирмайди. Ўқувчилар дарсга кеч қолиб келса, соати бузилиб қолгани, уй вазифаларини бажармаси, дафтари йўқолганлигини айтиши. Шу каби майда туюлган алдовлар бориб-бориб ҳақиқатни сўзлашга тўққинлик қилади.

(Давоми.
Боши ўтган сонда)

— Бўпти, қайтамиз, лекин аввалгидек бозорга чиқишимга рухсат берасиз, — шарт қўйди хотини.

— Бекор айтибсан! — дадаси жаҳли чиқиб бақирди. — Уйда ўтирасан, ўзим боқаман!

— Унда бормаيمان, шу ерда яшаймиз! — аяси ҳам бўш келмади.

Улар келиша олишмади. Бир куни аяси бозорга нон олиб чиқиб кетганида дадаси уларни кийинтириб, йўлга отланди. Бу пайтга келиб Каримжон анча эс тортиб қолганди.

— Дада, аям кетмайдими биз билан? — сўради болалари.

— Ортимиздан боради, — дадаси шарт кесди.

Шу тарзда яна уйларига қайтдилар. Болалар чин дилдан қувонишди, чунки улар учун ўз уйлари қадрдон эди. Яна улар аввалгидек бахтиёр кун кечиришларини хаёл қилардилар. Бироқ бундай бўлмади. Девоқлар тушиб, файзи йўқолган ҳовли каби опоқдадаси ҳам нураб кетибди. Бунинг устига қулоғи оғирлашиб, анча-мунча гапни эшитмайди. Албатта, тўрт эркакка парвариш зарур, унинг устига рўзғорни юргизиш керак. Аммаси бечора тонгда келиб, тунда қайтади, ҳар кетаётганида минғирлагани- минғирлаган:

— Тезроқ ановинг келса келсин, бўлмаса бошқа аёл топиб, уйлантириб қўяман!

Негадир аясининг келмаётганини болалар тугул дадаси ҳам тушунмасди. Ахир, қандай она болаларини ташлаб яшай олади? Йўқ, яшай оларкан. Ҳа, аяси келмади, бир ой, икки ой ҳатто бир йил ўтганидан сўнг ҳам келмади. Балки, дадасига аччиқ қилгандир, бироқ укаси билан уни кўргиси келмаслиги... Аммасининг тоқати тоқ бўлди.

— Бир гапингни айт, шунча хотинсиз юрганинг етар, сени уйлайман. Ҳар гал бу ҳақда гап очилса, дадаси қўлини силтаб, “керакмас!” дерди. Бу сафар индамади.

— Худого шукур, эсинг кираяпти шекилли, астойдил келин қидираман энди — аммаси енгил нафас олди.

Уларга “янги она” ҳам топила қолди. Дадасининг тўрт ошнаси-ю, икки ёндаги қўшнилари иштирокида кичиккина маросим қилишди-ю, уйга бегона аёлни олиб келишди.

— Энди бу аёл сизларга “ая” бўлади, айтганини қилинлар, чиройли юринлар, — аммаси уларга уқтирди.

Онасидан ажралганларида одамови бўлиб қолишганди, янгиси келгач эса бутунлай камгап, маъносиз болаларга айланишди. Бир ҳисобда шуниси яхши чоғи, ўғай оналари ҳам уларни кўп безовта қилмас, овқатини бериб, кирини ювар, асосан дадаси билан овора бўларди. Дадаси ҳам улар каби хомуш эди. Шунинг учунми тез-тез ича-

диган одат чиқарди. Аммаси куюкди-куюкди, эглай олмай ўз ҳолига ташлаб қўйди. Опоқдадасининг эса бор йўқлиги умуман билинмасди. Ана шундай кунларнинг бирида аммаси уввос тортиб йиғлаб келди:

— Опа, нима гап, тинчликми? — ўғай онаси шошиб сўради.

— Тавба, эрингизнинг қаердалигини биласизми? — аммаси бақира кетди. — Бундоқ хотин бўлиб, ичма десангиз, эрта кетиб кеч қайтишини тергаб турсангиз бўларди! Мана энди умри қамоқда чирийдиган бўлди!

“Қамоқ” сўзини эшитиб, Каримжоннинг томоғига бир нима тикилди, қандай қилиб аммасининг ёнига келганини, додлаб қўлларидан тутганини билмай қолди:

— Аммажон, дадам қани, айтинг, дадам қани?

— Аҳ, болам-а, даданг ўзига ўзи қилди, бизга ҳам қилди! Ичиб олиб, бировни роса калтаклабди. Буям етмагандай ҳаммаёқни уриб синдирибди, қўлига кирган нарсани отаверибди, отаверибди. Отанларидан бири кўчадан ўтиб кетаётган бегуноҳ қизчага тегиб, майиб қилибди. Шўримиз қуриди, болам, шўримиз қуриди. — Аммаси хириллаб йиғлар, алам билан жавварди. — Барига аянг ўлгур сабабчи, гулдек оиласини бузиб, ҳаммамизни тиркиратиб юборди, жувонмарг бўлгур!

Боядан бери тахтадек қотиб турган ўғай онаси аммасининг шу гапидан кейин шартта ўғирилди-ю, уй ичига кириб кетди. Озгина фурсат ўтмасдан эса қўлида тугун билан қайтиб чиқди.

— Ҳа, келин, нима бўлди? — аммаси йиғлаб туриб сўради.

— Нима бўларди, ҳаммаси адо бўлди, келганимдан бери тинчлик йўқ. Асабларим тугади, хотинини яхши кўраркан, ўша билан яшамабдида! Менга бунақа алкаш эр, бунақа аросат бола, бунақа жинни оила керакмас, кетдим! — ўғай онаси аммасининг ҳай-ҳайлашига қарамай кетди-қолди.

Дадаси қамалди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас опоқдадаси омонатини топширди. Ҳайҳотдек ҳовлида икки бола қолди. Энг қийини аммасига бўлди, бу ерга келай деса, ўзининг рўзғори, келмай деса болалардан хавотир олади. Ўлмаган жон барига чидар экан, мана, яшаб келишяпти.

— Тавба, эрингизнинг қаердалигини биласизми? — аммаси бақира кетди. — Бундоқ хотин бўлиб, ичма десангиз, эрта кетиб кеч қайтишини тергаб турсангиз бўларди! Мана энди умри қамоқда чирийдиган бўлди!

Олисдаги
она

Каримжон анча катта бўлиб қолди, маҳалла тепасидаги тегирмончига шогирд тушиб, иш ўрганди. Ҳар қалай қозони қайнашига зарур бўлган пулни топа оладиган бўлди. Укаси эса қишлоқнинг подасини бошқа болаларга қўшилиб боқиб келади, тўрт танга унга ҳам тушиб қолди.

Каримжон мана шу оғир дамларида аясини кўп эслади, излаб бормоқчи ҳам бўлди. Бироқ, қайси манзилда аниқ яшашини билмагани учун боролмади, аммасидан сўраганида эса уришиб берди:

— Аянг аллақачон эрга тегиб, болали бўб кетди! Энди сенларга бегона! Бирдан — бир меҳрибонинг бу — отанг!

Бу гапга унча ишонмасда, ҳар қалай аясидан кўнгли совиди. Ростдан ҳам шу пайтгача уларни излаб келмади, ҳеч бўлмаса хабар жўнатмади. Козимжон баъзан кечалари алаҳсираб онасини излаб чиқади. Қаттиқ хафа бўлганида соғинч ўрнига қалбида нафрат туяди. Аммо вақт ўтгани сайин бутунлай эсидан чиқара бошлади...

— Акажон!!! — узоқдан Козимжоннинг қораси кўринди. — Келаяпсизми?

— Ҳа, келаяпман, — аммам роса суюнди. Қара, дадамга сарполар олиб қўйган экан, бериб юборди! — Каримжон ҳаяжонини босиб, укасига суюнчилади.

— Зўр-ку! — Козимжон ирғишлади, унинг хурсандчилиги Каримжонга ҳам юқди:

— Зўр-а! Дадам келгач, бундан ҳам зўр бўлади!

— Яна ҳаммамиз авва-

лигидек бир-га яшаймиз-а, ака!

— Козимжон гарчи бундай бўлмаслигини билсада умид билан сўради.

— Албатта-да! Сен, мен, дадам... бирга яшаймиз, энди ҳаммаси яхши бўлади! — у шундай дея Козимжоннинг елкасидан тутганича ҳовлиси томон юрди. Дарвозадан кираётган маҳал негадир ортига ўғирилди, назарида аяси келадигандай, бироқ кўринмади. “Эҳ, аяжон, бизсиз қандай яшаяпсиз-а?” — деди паст овозда.

— Нима дедингиз? — Козимжон акасининг оғзига термудди.

— Дадамни тезроқ келинг деяпман... Роса соғиндик-ку, тўғрими?

— Жудаям, жудаям соғиндим.

Эртасига уйлари бирданига тўйхонага айланиб кетди. Дадаси кириб келиши билан икки ўғил икки томонидан осилиб, то бошқалар ажратиб олмагунларича ёпишиб туравердилар. Дадаси ҳам уларни роса соғинган экан, қўйиб юбормади — юз-кўзларидан ўпаверди, ўпаверди. Меҳмонларнинг каттаси ҳам йиғлади, кичиги ҳам...

— Опам қани? — соғинчлари сал совиғач, дадаси атрофга аланглади.

— Соғу саломат, — Ҳолиқ ака унинг елкасига қоқди. — Уйимга келсин, оёғи тагига қўй сўяман, кейин биргалашиб кетамиз, деб ўтирибди.

— Оҳ опам-а? — дадаси бирдан хўнграб йиғлаб юборди. — Онам ўрнида меҳрибоним-а...

— Эй, эй, тирик одамга ҳам

Матлуба
ЮСУФ ОХУН

йиғлаяпсанми, қани кетдик...

Ҳаммалари биргалашиб аммасиникига боришди. У ерда ҳам бўлди тўполон, бўлди кўз ёш. Ҳамма хурсанд, ҳамма бир-бирларини соғинган. Аммаси ниятига етди. Дадасининг оёғи остига қўй сўйилди.

— Энди уйга бора қолайлик, — негадир Каримжон бетоқат бўла бошлади. Назарида онаси келадиганга ўхшарди.

— Ҳўп, ўғлим, ҳўп, — дадаси ўғлининг кўнглига қулоқ солди. — Опа, бизам уйимизга бора қолайлик.

— Ҳалойиқ, — бирдан аммаси овозини баландлатиб гап бошлади. Барча унинг оғзига тикилди:

— Жигарим, эшит, шунча одамнинг олдида бир гапни айт. Сен қамоқда, биз бу ёқда ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тортдик. Пешонада борини кўрамиз экан, иложсиз. Аммо Аллоҳим мағфиратли, биз гуноҳкор бандалар бир-биримизга гина сақлаб кечирмаймиз холос. Агар... — аммаси шу ерга келганида Каримжон билан Козимжонга яқин келди, бошларини силади. — Буларнинг онаси қайтиб келса, мен кечираман, сен-чи, ука?!

Каримжон билан Козимжон дадаларига “ял” этиб қарадилар. Дадаси эса уларга.. — Ахир уни... — Ҳолиқ ака ўртага тушди. — Эрга теккан дегансизлар-ку...

— Ажрашибди. Афсусда экан, яқинда менга одам жўнатибди, кечирса, борардим, деб. Юзи шувутлигини, оналикка лойиқ эмаслигини тан олибди, аммо қайтиб мана бундай болаларни кўролмаслигини ҳам тушуниб етибди. Нима дейсан, ука?

Ҳамма дадасига тикилди. — Менга хотин керакмас... Лекин.. болаларига қаради, — уларга она керак шекилли...

— Дадажон! — Каримжон югуриб келиб, отасининг бўйнидан қучоқлаб олди. Орқасидан Козимжон эргашди.

— Унда... — аммаси негадир уй ичига қаради. — Келин... Йиғилганлар ўша томонга қаради. Ичкаридан бошини эгганича онаси чиқиб келди. Каримжон шундагина аммаси нега уйига келишларини тайинлаганини тушуниб етди.

— Мени кечиринлар! — Онаси дадасининг оёқлари тагига ўзини ташлади. — Болаларим, мени кечиринлар...

Уч эркак бошини бир жойга йиққанича жим туришарди. Аммо ҳар бири юрагидан кечирешга тайёр эканликлари нигоҳларида акс этиб турарди...

(Тамом).

БИЛДИРУВ

Фуқаро Абдуллаева Нодира Шукуруллаевна номига Тошкент шаҳар Учтепа тумани 106-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда берилган N 009986 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДУНЁДА НАВРЎЗ:

БЎТҚА,
БЎЯЛГАН
ТУХУМ
ВА
УРУҒЛАР

НАВРЎЗ ҚАДИМИЙ ВА
АНЪАНАВИЙ ҚАДРИЯТ
ҲИСОБЛАНГАНИ
УЧУН У ҲАҚИДА
КЎП ГАПИРАМИЗ.
БУ ТАРИХИЙ АЙЁМ
БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖУДА КЎП ФАКТЛАР
МАВЖУД. УЛАРНИНГ
КЎПЧИЛИГИДАН
БЕҲАБАР БЎЛИШИМИЗ
ТАБИИЙ. ҚУЙИДАГИ
МАЪЛУМОТЛАР ХАЛҚАРО
БАЙРАМ — НАВРЎЗНИНГ
ЎЗИГА ХОС АНЪАНАЛАРИНИ
ИФОДА ЭТАДИ.



* "Наврўз", яъни табиат-
да "янги кун" бошланиши
бутун дунёда 300 миллиондан
ортиқ киши томонидан бай-
рам қилинади. Баҳорги тенг
кунликни англатувчи бу айём
Болқон ярим ороли, Яқин
Шарқ, Кавказ, Марказий Осиё
давлатларида 3000 йилдан
бери нишонлаб келинади.

* Наврўз Яқин Шарқда

БМТнинг Бош Ассамблеясида
21 март — "Халқаро Наврўз
куни" деб тан олинди.

* Наврўз байрами 21 март
куни Тожикистон, Ўзбекистон,
Туркменистон, Озарбайжон,
Грузия, Албания, Қирғизистон,
Македония, Туркия, Қозоғис-
тонда расмий тантана
қилинади. Бундан ташқари,
Россиянинг Доғистон, Татарис-

* Қозоқларда байрам
дастурхонига "Наврўз гўжа"
номли таом тортилади. Бу таом
ун, сув, туз, гўшт, сариёғ, тарик,
сут каби 7 та масаллиқдан
тайёрланади. Агар "Наврўз
гўжа" байрам куни 7 та хона-
донда тотиб кўрилса, йил сама-
рали бўлади, деган қарашлар
ҳам мавжуд.

* Туркияда байрамдан икки
ҳафта олдин буғдой ундирила-
ди. Наврўз куни униб чиққан
майсалар шам билан безати-
либ, ширинлик ва ёрқин ранг-
ларга бўялган тухумлар билан
тўлдирилган патнис ўртасига
қўйилиб, дастурхонга тортила-
ди.

* Татаристон ва Бошқир-
дистонда байрам арафасида
ҳар бир хонадонда форсча "С"
ҳарфи билан бошланадиган 7
та маҳсулот бўлиши талаб этил-
ган. Яъни сирка, сумах ўсимли-
ги, саримсоқ, олма, чаканда
резавори, янги кўкатлар.

* Хитойда Наврўз таоми
сифатида махсус бўтқа пиши-
рилади. Бўтқа таркиби хур-
мо, каштан, бодом, олхўри,
қарағай, тарвуз, нилуфар гул
уруғлари ҳамда ёнғоқ, нўхат,
ловия каби маҳсулотлардан
иборат бўлади. Тайёр бўтқа
стаканларга қўйилиб,
шакар ва долчин сепилиб,




қариндошлар ва дўстларга
тарқатилади.

* Японлар ҳам ушбу бай-
рамда бўтқа тайёрлайди. Улар
таомга соя дони, ловия, чуми-
зи уруғлари ва икки хил гуруч
қўшади.

ОСИЁ тайёрлади.

"ДОИМ
ТИНЧЛИК
БЎЛСИН!"

Нодирбек
ҲАЙИТОВ,
қизиқчи:



Бирйилданбуён
"Hamkorbank"нинг
Тошкент филиали мижозиман.
Бу банкдан пластик карта очирдим, авто-
кредит олдим. Энг муҳими, ишларим тез ва
осон битди. Банк ходимларининг муомаласи
мақтовга сазовор. Олдин бошқа банк хизмат-
ларидан фойдаланганман. Тўғриси айтиш
керак, "Hamkorbank"да ортиқча вақтингизни
олиб овора қилмайди, ҳужжатлар жойида
бўлса, масалангиз тезда ҳал бўлади.

Мен санъаткорман, ижод сирларини ўргатган барча
устозларга катта раҳмат. Мустақил ижод бошлаганим-
га ҳам 10 йилдан ошди. Телевидениеда муаллифлик
кўрсатувларим, катта сахналарда яккахон чиқишларим
билан имкон қадар томошабиннинг кўнглини олишга
ҳаракат қиляпман.

Баҳор кириб келгани учун кайфиятлар аъло,
ижодлар қизгин. Мана шундай гўзал фасл ва унда-
ги энг муҳим байрам — Наврўзи олам билан барча
юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этаман.
Юртимизда тўйлар кўпайсин, халқимиз тинч-хотир-
жам ҳаёт кечирсин. Бутун дунёга тинчлик, юртимизга
эса ободлик, фаровонлик тилайман.

Бу қизиқ

Спорт билан шуғулланиш инсон саломатлиги
учун фойдали, лекин кўплаб мухлисларда оғир
атлетика бўй ўсишига салбий таъсир кўрсатиши
мумкинлиги ҳақидаги таассурот мавжуд. Шу каби
савол сизда ҳам туғилган бўлиши мумкин.

ОҒИР АТЛЕТИКА БИЛАН
ШУҒУЛЛАНГАНДА

Бу каби фикрларни жуда
кўплаб эшитганмиз. Бироқ
кўплаб шифокорлар оғир
атлетика билан шуғулланиш
инсон бўйи ўсишига салбий
таъсир кўрсатади, деган
фикрга мутлақо қаршилар.
Уларнинг фикрича, булар-
нинг барчаси шунчаки
уйдирма.

Шифокорлар ва оғир
атлетика бўйича мутахас-
сисларнинг таъкидлаш-
рича, ушбу спорт тури
билан ўз қоидалари асоси-
да машғулот олиб бориш-



лари мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, Собиқ
Иттифоқ оғир атлетикачиси
Юрий Власовнинг бўйи 187
сантиметр эди. Власов оғир
атлетика билан ҳарбий
мактабда ўқиб юрган кез-
лари шуғуллана бошлай-
ди. Фаолиятининг энг гулла-
ган даврида эса унча-мунча
спортчи яқинлашмайдиган
оғирликларни ўзига бўй-
сундира олган.

ислом дини тарқалиши ва
араб халифалиги вужуд-
га келганига қадар яша-
ган халқларнинг ўзига хос
қадрияти ҳисоблангани учун
араблар бу байрамни нишон-
ламайди. Туркияда ҳам ушбу
айём 1925 йилдан 1991 йилга-
ча расман тақиқланган эди.
Сурияда Наврўзни нишонлаш
ҳамон ман қилинган.

* 2009 йил 30 сентябр-
да Наврўз Юнеско томони-
дан инсониятнинг номоддий
маданий мероси Репрезента-
тив рўйхатига киритилди ва
шу кундан у "Халқаро байрам"
дея эълон қилинди.

* 2010 йил 23 февралда эса

тон, Бошқирдистон ва бошқа
миллий минтақаларида, Хитой-
нинг Шинжон-уйғур авто-
ном вилояти, Ироқ Курдис-
тони ва Ҳиндистоннинг айрим
ҳудудларида ҳам нишонлана-
ди.

* Наврўз деганда ўйин-
кулги, шоду хуррамлик билан
бирга, бир-биридан тансиқ,
мазали таомлар ҳам тушуни-
лади. Ҳар бир мамлакат ва
халқда Наврўз дастурхони
ўзига хослиги билан ажралиб
туради.

* Қўшни Тожикистонда
Наврўз дастурхони "С" ҳафи
билан бошланадиган етти хил
таом билан безатилади.

БИР КУНЛИК
МИЛЛИОНЕР

Пенсиям чиқиб, энди
бойидим, деганимда, хотин
қўлимга бозорликлар рўйхати-
ни тутқазди. Миллионер бўлиб
бозорга бораман-у, қашшоқ
бўлиб уйга қайтаман.
Нега куласиз? Сизниям
бошингиздан ўтганми, дейман...

ҚИЁМАТГА ҚАДАР БЎШ ЎРИН

Майли, умр йўлдошингиз сизга бор меҳрини
берсин, аммо у онангиз ўрнини босолмайди...
Майли, дўстингиз сиз учун борини тўкиб-
сочсин, лекин у отангиз ўрнини босолмайди...
Майли, фарзандингиз сизга бор меҳр кўрини
берсин... У фарзандлик бурчини бажаради,
холос.
...Мен билган ҳақиқат шуки, ота-онамизнинг
ўрни то Қиёмат қадар бўш тураверади!

СИЗ ЯХШИ ОДАМСИЗ!

Ўз виждонингиз билан ёлғиз, юзма-юз қолганингизда, уялма-
япсизми? Демак, Сиз яхши одамсиз!

Чунки том маънодаги меҳнаткаш, эътиқоди собит, ҳалол-
ҳаромни фарқлай оладиган, эртага бугун ва кечаги кунига, демак,
ортига боқишга қўрқмайдиган одам ўз виждони олдида уятга
қолмайди.

Аксинча бўлса, бу гапларни айтмаган бўлардим...

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Президенти
администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press"
тахририяти компьютерида
терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-349 Адади: 6360
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.